“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги директори,
Тармоқ Илмий-Техник Кенгаш раиси

Э.М.Мухитдинов
2025 йил “28” ноябрь

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги (Ўрмон Агентлиги) Тармоқ илмий-техник кенгашининг “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳаси доирасида "Ижтимоий сафарбарлик ва жамоат дарадасидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" бўйича Техник ёрдам ҳамкори (ТАР) консалтинг хизматлари учун техник топшириқни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича йиғилишининг

7 - сон БАЁНИ

2025 йил “28” ноябрь Тошкент ш.

Раислик қилди: Э.Мухитдинов – Ўрмон агентлиги директори, Кенгаш раиси

Иштирок этдилар:

Кенгаш аъзолари: О.Соатов, Х.Толипов, Я.Юлдашев, Ғ.Нематов, С.Мадаминов, Ў.Давронов, С.Холбўтаев, З.Эшонқулов

Таклиф этилганлар: “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш" лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи раҳбари-Ф.Максумов, Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи консультанти лари ва ходимлари

КУН ТАРТИБИ:

1. **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон агентлиги “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳаси доирасида "Ижтимоий сафарбарлик ва жамоат дарадасидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" бўйича Техник ёрдам ҳамкори (ТАР) консалтинг хизматлари учун техник топшириқни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.**

2. **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон агентлиги "Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш" лойиҳаси доирасида "Миллий ўрмон инвентаризацияси" бўйича консалтинг хизматлари учун техник топшириқни мазкур баённинг 2-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.**

Илмий-техник йиғилишини Ўрмон агентлиги директори, Илмий-техник кенгаш раиси Э.Мухитдинов очиб берди ҳамда Агентлик томонидан Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган "Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш" лойиҳасининг (кейинги ўринларда - Лойиҳа) амалга ошириш ҳолати, лойиҳа доирасидаги тадбирларни жадаллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида маълумот берди ҳамда Ҳукумат томонидан лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш бўйича прогноз параметрларга эришиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масала юзасидан батафсил маълумот бериш учун Лойиҳа раҳбари Ф.Максумовга сўз берилди.

Унга кўра, Лойиҳа техник-иқтисодий асосларига мувофиқ, 2-компонент (Ландшафтлар барқарорлигини мустаҳкамлаш ва аҳолини қўллаб-қувватлаш) нинг 2.2-субкомпоненти ("Барқарор тирикчилик ва қиймат занжирларини мустаҳкамлаш") доирасида жамоатларни ижтимоий сафарбар қилиш ва уларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида Техник ёрдам ҳамкорлиги (Technical Assistance Partner - TAP) бўйича консалтинг хизматларни жалб қилиш кўзда тутилган ва мазкур консалтинг хизматлари учун жами 1,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилган.

Консалтинг хизматлари учун ёлланадиган компания лойиҳа ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини таъминлайди, Жамият бизнес агентларини (СБА) жалб қилади, мавжуд тадбиркорлар учун лойиҳада иштирок этишнинг афзалликларини осонлаштиради, жамоат аъзоларини турмуш даражасини ошириш гуруҳларини шакллантиришга сафарбар қилади, грант олувчиларнинг биргаликда молиялаштириш имкониятларини мустаҳкамлайди ва мавжуд тадбиркорлик экотизими билан алоқаларни ўрнатади.

Техник топшириқ Жаҳон банкининг мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилди, такомиллаштирилди ҳамда дастлабки розилик олинди. Техник топшириққа кўра, консалтинг хизматлари лойиҳа доирасидаги 6 та вилоятларни (Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) қамраб олади асосан қуйидаги икки йўналиш бўйича амалга оширилади:

i. **1-йўналиш:** Мавжуд 60 та корхонага (ҳар бир вилоятда 10 та) енгил даражадаги техник ёрдам ва бизнесни ривожлантириш қўллаб-қувватлашини таъминлаш;
ii. **2-йўналиш:** Ер деградацияси ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсирига дучор бўлган камбағал ва заиф аҳоли вакиллари учун 300 та янги корхона ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

Жами 360 та корхона (240 та индивидуал ва 120 та гуруҳли корхона) қўллаб-қувватланади. Хизматларнинг давомийлиги 36 ойни ташкил этади.

Ёлланадиган компанияга нисбатан қуйидаги асосий малака ва тажриба талаблари сўралмоқда:

1. Малака талаблари:

- Камида 5 йил олдин ташкил этилган бўлиши лозим;
- Ўртача йиллик молиявий айланмаси камида 2,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиши лозим (сўнгги уч йил ичида ўртача).

2. Сўнгги 5 (беш) йилдаги тажриба талаблари:

- Табиий ресурсларга асосланган турмуш тарзи ва иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган тажриба;
- Маҳаллий жамоаларни оддий аҳоли даражасида сафарбар қилиш, аёллар гуруҳларини рағбатлантириш ва иштирокчиларнинг салоҳиятини ошириш тажрибаси;
- Тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тажрибаси;
- Қишлоқ корхоналари учун қиймат занжири таҳлили ва маркетинг диагностикаси тадқиқотларини ўтказиш тажрибаси;
- Қишлоқ тадбиркор аёллари билан бозорни ривожлантириш ва бизнес инкубатсиясини осонлаштириш тажрибаси;
- Ўрмон ҳудудлари яқинида жойлашган жамоалар учун табиий ресурсларга асосланган турмуш тарзини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тажрибаси;
- Иқлимга чидамли ўрмон хўжалиги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этиш тажрибаси;
- Ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва гендерга сезгир жамоатчилик билан алоқалар дастурларини амалга ошириш тажрибаси;
- Лойиҳани амалга ошириш ҳудудларида, айниқса қишлоқ аёллари билан ишлаш тажрибаси;
- Қишлоқ жамоаларини сафарбар қилишда муваффақиятли тажриба.

Шунингдек, компанияларнинг Халқаро донорлар, афзалроқ Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларда ишлаш тажрибаси, Атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик стандартларини билиш ва қўллаш, Ривожланишда иштирок этиш ёндашувларидан фойдаланиш тажрибаси, Ўзбекистон қишлоқ жойларида аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришнинг маданий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини яхши биладиган ходимларнинг мавжудлиги, Маҳаллий фаолият билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш тизимлари ва маҳаллий иштирок механизмларининг яхши йўлга қўйилганлиги каби тажрибалари қўллаб-қувватланади.

Шу билан бирга, ёлланадиган компания таркибида қуйидаги асосий экспертлар бўлиши лозим:

Асосий экспертлар (тўлик иш куни):

1. Лойиха менежери/координатори
2. Ижтимоий сафарбарлик ва институционал ривожланиш бўйича мутахассис
3. Қиймат занжири ва бозорни ривожлантириш бўйича мутахассис
4. Жамият билан алокалар бўйича координаторлар (6 та йўналиш учун 6 нафар ходим)

Ярим кунлик иш режимида:

1. Ихтисослашган мутахассислар (жами 12 киши-ой)
2. Солик ва мувофиклик бўйича мутахассис (12 ой)

Жамият даражасида:

1. 37 та Жамият Бизнес Маслаҳатчиси 12 ойлик мажбурият муддати.

Шу билан биргаликда Кенгаш аъзоларига лойиҳа доирасида ишлаб чикилган "Миллий ўрмон инвентаризацияси" бўйича консалтинг хизматлари учун техник топшириқ хам тақдим этилди.

Лойиханинг 1.1 субкомпоненти Ўзбекистонда ўрмон ландшафтларини тиклаш ва баркарор бошкариш учун тегишли сиёсатларни ишлаб чикиш ва хукукий ва институционал асосларни ислох килишни кўллаб-қувватлайди. Мазкур техник топшириқ ушбу субкомпонент доирасида молиялаштирилади. Ушбу хизматларни ёллаш оркали Ўзбекистонда ўрмон ва ландшафтни бошкариш ва тиклаш бўйича карорлар қабул килиш учун маълумотларни тақдим этиш максадида биринчи Миллий Ўрмон мониторинги тизими яратилади.

Кенгаш аъзоларига техник топшириқ ҳамда эълон матни тақдим этилди. Тақдим этилган ҳужжатлар Кенгаш аъзолари томонидан батафсил кўриб чикилди, ишлаб чикилган техник топшириқ лойиҳа ҳужжатларида қўйилган максадларга мувофиклиги ўрганиб чикилди ва ўзаро муҳокамалар олиб борилди.

Кун тартибидаги масалани кўриб чикиб хар томонлама муҳокамалар олиб бориб, Агентлик ҳузуридаги коллегиал илмий техник Кенгаш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Экология, атроф-муҳитни мухофаза килиш ва иклим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон агентлиги "Ўзбекистонда баркарор ўрмон ландшафтларини тиклаш" лойиҳаси доирасида "Ижтимоий сафарбарлик ва жамоат даражасидаги корхоналарни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш" бўйича Техник ёрдам ҳамкори (ТАР) консалтинг хизматлари учун техник топшириқ мазкур баённинг 1-иловасига мувофик тасдиқлансин.

("Рози" 8 та овоз, "Карши" 0 та овоз, "Бетараф" - 0 та овоз)

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон агентлиги “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳаси доирасида “Миллий ўрмон инвентаризацияси” бўйича консалтинг хизматлари учун техник топшириқ мазкур баённинг 2-иловасига мувофиқ тасдиқлансин.

(“Рози” - 8 та овоз, “Қарши” - 0 та овоз, “Бетараф” - 0 та овоз)

Коллегиал илмий - техник кенгаши аъзоларининг имзолари:

№	Ф.И.Ш	Лавозими	Имзо
1.	О.Соатов	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи	
2.	Ғ.Одилов	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бош мутахассиси	(Recigned)
3.	Б. Мамутов	Ўрмон илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари	
4.	Х.Толипов	Ўрмон агентлиги бош мутахассиси	
5.	Я.Юлдашев	Тошкент давлат аграр университети ўрмон хўжалиги факультети доценти, профессор	
6.	Ғ.Неъматов	Ўрмон агентлиги бўлим бошлиғи	
7.	С.Мадаминов	Ўрмон агентлиги бўлим бошлиғи	
8.	Ў.Давронов	Ўрмон агентлиги бошқарма бошлиғи	
9.	С.Холбўтаев	"Яшиллойиҳа" лойиҳалаш институти бўлим бошлиғи	
10.	З.Эшонқулов	Ўрмон агентлиги бошқарма бошлиғи	